
8 декабрь – Конституция куни байрами муносабати билан тадбир бўлиб ўтди

Бугун туман ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 30 йиллиги муносабати билан Риштон туманида байрам тадбири ташкил этилди.

Унда сектор раҳбарлари, туман ҳокимининг ўринбосарлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, корхона ва ташкилот, муассаса раҳбарлари иштирок этдилар.

Байрам тадбирини туман ҳокими С. Солиев очиб, Давлатимиз конституцияси, мустақил ва суверен Ўзбекистон давлатининг ташкил топиши ва ривожланиши, унинг халқаро майдонда муносиб обрў-эътиборга эга бўлиши, мустақил давлатимиз Конституциясини яратишда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидаларига қатъий амал қилинганлигини гапириб, байрам билан барчани табриклади.

Тадбирда шунингдек туман прокурори Р. Мадалиев Конституциянинг яратилиш тарихи ва ундаги ўзгартиришлар ҳақида сўзлади.

Тадбир давомида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 30 йиллиги муносабати билан, шунингдек, мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, илмий, маънавий салоҳиятини юксалтириш, муҳофаза қудратини оширишга муносиб ҳисса қўшган бир қатор риштонликлар “Ўзбекистон Конституциясининг 30 йиллиги” кўкрак нишони билан тақдирланишди.

2022-12-07 08:20:01